



IMPLEMENTING THE GREEN CITY CONCEPT THROUGH PARADIPLOMACY: GLOBAL PRACTICES AND PROSPECTS FOR UZBEKISTAN

Otabek Kudratovich Alimardonov

PhD in History

Associate Professor of the Department of

“Contemporary History of Uzbekistan” at the Faculty of History

National University of Uzbekistan

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Paradiplomacy, Green City, Sister Cities, Environmental Initiative, Surabaya, Kitakyushu, New Tashkent, Sustainable Development.

Received: 08.07.25

Accepted: 09.07.25

Published: 10.07.25

Abstract: This article explores the implementation of the “Green City” concept through paradiplomacy. It highlights how sister-city cooperation plays a crucial role in environmental sustainability, energy efficiency, waste management, and the adoption of “smart city” solutions. Case studies of Surabaya–Kitakyushu and Jakarta–Berlin partnerships are analyzed. The article also discusses Uzbekistan’s involvement in projects such as “New Tashkent” and “Samarkand – Green City.”

ПАРАДИПЛОМАТИЯ ВОСИТАСИДА ЯШИЛ ШАҲАР КОНЦЕПЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ: ЖАҲОН АМАЛИЁТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ИСТИҚБОЛЛАР

Отабек Қудратович Алимардонов

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси доценти

Ўзбекистон Миллий университети

E-mail: alexkhanfrank@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Парадипломатия, Яшил шаҳар, Биродар шаҳарлар, Экологик ташаббус, Сурабая, Китакою, Янги Тошкент, Барқарор ривожланиш.

Аннотация: Мақолада парадипломатия воситасида “Яшил шаҳар” концепциясини амалга ошириш масаласи атрофлича ёритилган. Биродар шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик экологик барқарорлик, энергия самарадорлиги, чиқиндиларни бошқариш ва

“ақлли шаҳар” ечимларини жорий этиш соҳаларида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Жаҳон тажрибаси мисолида Сурабая – Китаюсю ва Жакарта – Берлин шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг “Янги Тошкент” ва “Самарқанд – Яшил шаҳар” лойиҳаларидаги иштироки ҳам ёритилган.

РЕАЛИЗАЦИЯ КОНЦЕПЦИИ “ЗЕЛЁНОГО ГОРОДА” ЧЕРЕЗ ПАРАДИПЛОМАТИЮ: МИРОВОЙ ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ ДЛЯ УЗБЕКИСТАНА

Отабек Кудратович Алимардонов

Кандидат исторических наук (PhD)

Доцент кафедры «Новейшая история Узбекистана» исторического факультета

Национального университета Узбекистана,

alexkhanfrank@gmail.com

Ташкент Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Парадипломатия, Зелёный город, Города-побратимы, Экологические инициативы, Сурабая, Китаюсю, Новый Ташкент, Устойчивое развитие.

Аннотация: В статье рассматривается вопрос реализации концепции «Зелёный город» через парадипломатию. Особое внимание уделяется роли сотрудничества городов-побратимов в обеспечении экологической устойчивости, энергоэффективности, управлении отходами и внедрении решений «умного города». На основе мирового опыта проанализированы примеры взаимодействия Сурабая – Китаюсю и Джакарта – Берлин. Также освещены проекты Узбекистана «Новый Ташкент» и «Самарканд – Зелёный город».

Кириш. Ҳозирги даврда бутун дунё аҳли экологик барқарорликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли учун соғлом яшаш шароитини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сув тозаллигини асраш, яшил ҳудудларни кўпайтириш каби вазифалар нафақат ҳар бир давлат, балки глобал миқёсдаги барча жамиятлар учун долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таҳлилларга кўра, бировар шаҳарлар парадипломатияси нафақат технология ва билим алмашинувини рағбатлантиради, балки шаҳарсозлик муаммоларини ҳал этишда маҳаллий инновацияларнинг юзага чиқишига ҳам туртки беради. Шаҳарлар ўртасида

биродарлик алоқалари нафақат иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни балки глобал экологик муаммоларни бартараф этишда ҳам қўл келади.

Таҳлил ва натижалар. Парадипломатия нафақат маҳаллий ҳокимиятларни халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ундайди ва уларнинг иқтисодий рақобатдошлигини оширади, балки мамлакат миқёсидаги экологик ташаббусларни амалга оширишга ҳам амалий ёрдам беради. Бу эса, хусусан, Ўзбекистондаги долзарб муаммолардан бири – экологик мувозанатни сақлаш борасида муҳим ечимлардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг долзарб вазифалардан бири экологик барқарорликни таъминлаш ва яшаш муҳитини яхшилаш ҳисобланади. Шу маънода, “Яшил шаҳарлар ташаббуси” нафақат шаҳарлар ривожини учун, балки инсонларнинг соғлом ва барқарор ҳаёти учун муҳим платформага айланмоқда.

Ушбу ташаббусни амалга оширишда биродар шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик ва халқ дипломатияси муҳим ўрин тутди. Чунки табиат ва атроф-муҳит муаммолари чегара билмайди. Уларни фақат биргаликда, тажриба ва инновация алмашинуви асосида ҳал этиш мумкин.

Биродар шаҳарлар тузилмаси маданий алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, Яшил шаҳарлар ташаббусида қуйидаги йўналишларда халқаро ҳамкорликни муҳим деб ҳисоблайди:


- Экологик технологиялар алмашинуви: энергияни тежайдиган инфратузилма, “ақлли шаҳар” ечимлари ва экологик транспорт соҳасида тажриба алмашиш;
- Ўрмонлар ва яшил зоналарни тиклаш бўйича қўшма акциялар ва грантлар асосида лойиҳалар;
- Ёшлар ва фуқаролик жамияти иштирокини кенгайтириш: “яшил кўнгиллилар”, ўқув лагерлари ва экологик форумлар;
- Шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандумлар имзолаш, экологик соҳага оид лойиҳаларни расмийлаштириш.

“Яшил шаҳар” – бу атроф-муҳитга ёндашувда онгли ва барқарор шаҳарсозликни англатадиган концепция бўлиб, у ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ўсиш ва экологик муҳофаза ўртасида мувозанатни таъминлашга қаратилган ривожланиш стратегияси орқали шаҳарни ҳозирги ва келажак авлодлар учун яшашга яроқли ҳолда сақлашни мақсад қилади.

Ушбу ғоя инфратузилмавий ва ижтимоий ривожлантириш усуллариининг уйғунлашган тарзда қўлланилиши орқали барқарор шаҳар ривожини яратишга қаратилган

бўлиб, инфратузилмани ривожлантириш жараёнида атроф-муҳитга бўладиган салбий таъсирни минималлаштиришни кўзда тутати.

“Яшил шаҳар” концепцияси одатда саккизта асосий элементдан иборат бўлади[1]:



Шаҳар ҳудудидаги яшил майдон (ҳиёбон)ларнинг ижобий жиҳатларини эътиборга олиб, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларда шаҳар эко-тизими барқарорлигини таъминлашга оид минимал стандартлар белгиланган. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳар бир шаҳар унда истиқомат қилувчи ҳар бир инсонни камида 9 квадрат метр (кв.м.) яшил майдон билан таъминлаши тавсия этилган.

Айрим давлатларда мазкур кўрсаткичлардан ҳам юқорироқ стандартлар белгиланган. Жумладан, яшил майдон киши бошига Лос-Анжелесда 48.5 кв.м., Кембрижда 46 кв.м., Вашингтонда 38 кв.м., Малайзияда 20 кв.м. этиб белгиланган. Индонезия қонунчилиги шаҳар ҳудудининг 30 фоизини яшил майдонларга ажратишни талаб этса, Малайзияда янги ҳудудларни ривожлантириш лойиҳаларида 10 фоиз майдонни яшил ҳудудга ажратишни назарда тутати. Сингапур дунёдаги энг кичик давлатлардан бири бўлишига қарамай, майдонининг 46.5 фоизида яшил майдонлар ташкил этилган.

Буюк Британия стандартларида нафақат яшил майдон ҳудуди, балки яшил зоналарнинг шаҳар ҳудуди бўйлаб мутаносиб тақсимланишига қаратилган стандартлар ҳам мавжуд. Унга кўра яшил майдонгача бўлган масофа уйдан 300 метрдан ошмаслиги, икки километрлик масофада 20 гектарлик, 5 километрлик масофада 100 гектарлик ва 10 километрлик масофада 500 гектарлик яшил майдонлар бўлиши белгиланган.

Шаҳар ҳудудидаги яшил майдонлар бўйича Европа шаҳарлари етакчи ҳисобланиб, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўртача яшил майдонлар киши бошига 18.2 кв.м.ни ташкил этади ва 44 фоиз аҳоли яшил майдонлардан 300 метрлик (пиёда 5 дақиқалик) масофада истиқомат қилади. Ўзбекистонда эса маданият ва истироҳат боғларининг майдони шаҳар аҳолисининг жон бошига 1.03 кв.м.ни (2019 йил) ташкил этади холос[2].

Яшил шаҳар бу нафақат кўп дарахт ва гулзорлар, балки инсонлар ва табиат уйғун яшайдиган замонавий ҳаёт тарзи демакдир. Халқ дипломатияси ва биродар шаҳарлар ўртасидаги очик мулоқот орқали биз табиатга эҳтиромли, инсонпарвар ва экологик масъулиятли жамиятни шакллантирамиз. Шу ўринда хорижий тажриба ҳақида, дунёда кўплаб шаҳарлар экологик барқарорликни таъминлаш, карбон изини камайтириш ва аҳоли учун соғлом муҳит яратиш мақсадида “Яшил шаҳар” тамойилларини жорий этмоқда.

Доимий равишда “яшил шаҳарлар” рейтингдан жой олган энг яхши даввогарлар рўйхатига қуйидагилар киради: Копенгаген, Ванкувер, Сингапур, Стокгольм, Осло, Амстердам, Рейкявик, Берлин, Сан-Франсиско ва Хелсинки. Ушбу шаҳарлар кўпинча мукамал жамоат транспорти тизими, кенг кўламли велосипед инфратузилмаси, қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш ва яшил майдонларни сақлаш билан танилган.

Қуйида дунёнинг 5 та “яшил шаҳар”ларини таҳлил қилиб чиқамиз.

1. Швеция пойтахти Стокгольм 2010 йили Европанинг биринчи “Яшил пойтахти” деб эълон қилинган. Шаҳарда энергиянинг 80% қайта тикланувчи манбалардан олинади. Жамоат транспорти биогаз ва электромоторларга ўтказилган. янги бинолар кам энергия сарфлаш шартлари билан қурилади.

2. Сингапур “Шаҳар боғ ичида” концепцияси асосида бунёд этилган. Vertical gardens (тик боғлар) ва “яшил томлар” кенг татбиқ этилган. 2030 йилгача ҳар бир фукарога 10 дақиқада етиб бориладиган яшил ҳудудлар кафолатланган. “Smart Waste” тизими орқали чиқиндиларни автоматик ажратиш ва қайта ишлаш жорий қилинган.

3. Германиянинг Фрайбург шаҳри “экологик пойтахт” сифатида тан олинган. Шаҳар маркази автомобиллардан холи қилинган, фақат пиёда ва велосипед ҳаракати учун мўлжалланган. Кенг кўламдаги қуёш панеллар, яшил энергия ва маҳаллий ташаббусларга асосланган бошқарув тизими жорий этилган.

4. Хитойнинг Шэньчжэнь ва Шанхай шаҳарларини ҳам “яшил шаҳар”лар рўйхатига киритиш мумкин. Шэньчжэнь бутун жамоат транспорт тизимини электр автобусларга ўтказган биринчи шаҳарлардан бири. “Яшил шаҳарлар” пилот дастури орқали бир нечта шаҳарларда экологик шаҳарсозлик стандартлари жорий этилмоқда. Карбон нейтрал шаҳарлар концепцияси бўйича 2060 йилгача углерод чиқиндисини нол даражага етказиш

режалаштирилган. “Шаҳар боғлар тўри” яратилиб, аҳолига экологик соғлом муҳит таъминланмоқда.

5. Жанубий Корея пойтахти Сеулда “Smart Green City” концепцияси асосида ақлли экологик технологиялар жорий этилмоқда. Чхонгечхон дарёси лойиҳаси орқали шаҳар марказида табиий экотизим тикланган ва аҳоли учун яшил ҳудуд яратилган.

Хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, яхши режалаштирилган сиёсат, технологик инновациялар ва фуқароларнинг фаол иштироки – “яшил шаҳарлар” ташаббусининг муваффақиятли асосидир. Бу тажрибалар Ўзбекистон шаҳарлари учун ҳам асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Энди айнан биродарлик алоқалари натижасида “яшил шаҳар” яратиш йўлида ҳамкорлик олиб бораётган эгизак шаҳарлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Жаҳон миқёсида шаҳарлар дуч келаётган экологик муаммолар маҳаллий ҳокимият органларини ижодий ечимлар излашга ундамоқда. Бу борада етакчи мақомга эга бўлган икки шаҳар сифатида Германиянинг Берлин шаҳри ва Индонезиянинг Жакарта шаҳри эътироф этилмоқда. Ушбу икки шаҳар биродар шаҳарлар ҳамкорлиги доирасида “яшил шаҳар” га айланишга интиломоқда. Улар барқарор ва экологик тоза шаҳар муҳитини яратиш мақсадида турли стратегик режаларни амалга оширмоқда.

Жакартада асосий эътибор пластик чиқиндиларни камаййтириш ва замонавий технологиялар ёрдамида чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Берлин эса қайта ишлаш (recycling) тизими мустаҳкам йўлга қўйгани ҳамда маҳсулотларни қайта ишлатишни рағбатлантириши орқали бошқа шаҳарлардан ажралиб турибди.

Берлинда биноларда энергия самарадорлигини ошириш ва янгиланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кенг тарғиб этилмоқда. Жакарта эса инфратузилма ва транспорт соҳаларида тоза энергиядан фойдаланишни кенгайтирмоқда. Ҳар икки шаҳар ҳам янгиланувчи энергияга алоҳида эътибор қаратаётгани билан ажралиб туради. Улар ўзаро чиқиндиларни бошқаришда инновацион ёндашувлар, экологик тоза транспорт турларини жорий этиш ва яшил очиқ ҳудудларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик олиб боради[3].

1994 йилда Жакарта ва Берлин ўртасида шаҳарсозлик, тоза ичимлик суви бошқаруви, уй-жой саноати ва жамоат транспортини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш биродар шаҳар ташаббусининг юзага келишига сабаб бўлган. Шунингдек, бу ҳамкорлик доирасида “Келажак шаҳри маркази” (Future City Hub) ташаббуси ҳам амалга оширилиши кўзда тутилган. Ушбу ташаббус шаҳарсозлик билан боғлиқ қатор

муаммоларни, жумладан, чиқинди бошқарувини ҳал этиш бўйича дастурларни қамраб олади.

Биринчидан, ушбу биродар шаҳар маркази янгича ғояларни ишлаб чиқиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ривожлантириш бўйича инновацион ечимларни амалга ошириш учун ижодий марказ сифатида фаолият юритади. Бу эса атроф-муҳитнинг таназзулини камайтириш мақсадида мавжуд энг илғор технология ва амалиётлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Масалан, сув сифати ва суғориш тизимларини яхшилаш каби ечимлар шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Улар ривожланган шаҳар муҳитини барпо этишда билим, технология ва тажриба алмашуви орқали ҳамкорлик қилади. “Келажак шаҳри маркази” доимий таълим ва оммавий ахборот ишларининг аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш орқали одамларни экологик онгли ҳаёт тарзига ўтказиш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишга даъват қилишда фаол иш олиб боради.

Учинчидан, биродар шаҳар амалиёти Жакартанинг “Яшил шаҳар”га айланиш ғоясини амалий лойиҳалар орқали ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Бу лойиҳалар қаторига қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик тоза транспорт тизимларини жорий этиш ҳамда самарали чиқинди бошқаруви каби йўналишлар киради. Ушбу марказ экологик технологиялар ва бошқа инновацион ечимлар учун намунали платформа вазифасини ўтайди.

Тўртинчидан, “Келажак шаҳри маркази” Жакарта ва Берлин ўртасидаги барқарор шаҳар ривожини соҳасидаги мустаҳкам халқаро ҳамкорлик рамзи бўлиб, Индонезиянинг бошқа шаҳарлари ҳамда жаҳон бўйлаб кўпгина шаҳарлар учун жорий этилиши мумкин бўлган барқарор ечимларни ишлаб чиқишда асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида хизмат қилади.

Бу мисоллар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга оширилаётган стратегик экологик ташаббуслар глобал экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

“Future City Hub” (Келажак шаҳарлари маркази) лойиҳаси каби ташаббуслар Жакарта ва Берлин ўртасидаги ҳамкорликни, шунингдек, маълумот, тажриба ва технологиялар алмашинуви орқали янада барқарор ва тоза келажак сари интилишдаги умумий саъй-ҳаракатларни намоён этади.

Ушбу мувофиқлаштирилган стратегиялар орқали Берлин ва Жакарта шаҳарлари нафақат иқлим ўзгаришига қарши курашда етакчиликни намоён этмоқда, балки бошқа

шаҳарлар учун ҳам барқарор ва яшил келажакка олиб боровчи илғор ёндашувларни татбиқ этишга йўл очмоқда.

Жакарта ва Берлин шаҳарлари ўртасида парадипломатия доирасидаги икки шаҳар (twin cities) ҳамкорлиги даражаси “яшил шаҳарлар” сари ҳаракатда муҳим ютуқларга олиб келди. Бу ҳамкорлик Индонезия ва Германия ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш билан бирга, Берлиннинг “яшил шаҳар” куриш соҳасидаги тажрибасидан самарали фойдаланиш имконини берди. Хусусан, “Future City Hub” (Келажак шаҳарлари маркази) лойиҳаси орқали Жакарта барқарор шаҳар бошқаруви соҳасидаги қатор ютуқларга эришди, жумладан экологик тоза инфратузилмани яратиш ва атроф-муҳитга безарар технологияларни жорий этиш каби илк ташаббусларни амалга оширди.

Шу билан бирга, ушбу ҳамкорлик барқарор ва узоқ муддатли бўлиши учун бир қатор омилларни инобатга олиш лозим. Уларнинг энг муҳими – Жакартанинг экологик жиҳатдан барқарор мегаполисга айланиш борасидаги интилишларини янада кучайтириш заруратидир. Бу эса “яшил инфратузилма” учун кўпроқ маблағ ажратишни, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид ҳукукий-меъёрий базани такомиллаштиришни талаб қилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Жакарта Берлин билан ҳамкорликдан нафақат тўғридан-тўғри фойда кўради, балки шаҳарнинг узоқ муддатли барқарорлик мақсадига амалий ҳисса қўшади.

“Future City Hub” ва бошқа ташаббуслар Берлин ва Жакарта ўртасида билим ва технологиялар алмашинуви учун муҳим драйвер сифатида хизмат қилмоқда. Ушбу платформадан фойдаланган ҳолда, ҳар икки шаҳар мураккаб шаҳар муаммоларига ижодий ечимлар топиш, “яшил шаҳар” бошқаруви борасида энг илғор тажрибаларни ўрганиш ва уларни ўз амалиётида қўллаш имконига эга бўлмоқда.

Умуман олганда кузатишлар ва таҳлиллار шуни кўрсатмоқдаки, Индонезия парадипломатиясининг ўзига хос томони шундаки биродарлик алоқаларини ўрнатишда “Яшил шаҳарлар ташаббуси” етакчилик қилади.

Хорижий шериклар билан халқаро ҳамкорлик орқали кўпроқ шаҳарлар “яшил ташаббус”ларни жорий этган сари Индонезиянинг дунёдаги тозалик бўйича рейтинги ошиши ва халқаро нуфузи кучайиши мумкин. Аммо, бу бундай ташаббусларнинг асосий мақсади эмас. Асосий мақсад – Индонезияда ханузгача мавжуд бўлган атроф-муҳит муаммоларини, хусусан чиқинди муаммосини, бартараф этишдир.

Ушбу мураккаб муаммоларни ҳал этиш мақсадида Индонезия Япония билан ҳам ҳамкорлик ўрнатди. Бу ҳамкорлик доирасида “Қўшма кредитлаш механизми” (Joint

Crediting Mechanism – JCM) деб номланган ташаббус амалга оширилди. Ушбу механизм доирасида шаҳарлараро лойиҳалар ҳам амалга оширилди, жумладан, Сурабая ва Китакусю ўртасидаги “Яшил биродар шаҳарлар” ҳамкорлигини келтириб ўтиш мумкин[4].

Ушбу ҳамкорлик парадипломатиянинг аниқ кўриниши бўлиб, у маҳаллий ҳокимият органларининг миллий даражадаги давлат сиёсатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз манфаатларини илгари суриш мақсадида олиб бориладиган халқаро фаолиятни англатади[5].

Сурабая ва Китакусю шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик асосан шаҳарларнинг барқарор ривожланиши, экологик муаммоларни ҳал этиш, тоза энергиядан фойдаланиш, ахлатни қайта ишлаш каби соҳаларда тажриба алмашишга қаратилган. Китакусю шаҳрининг “яшил технологиялар” соҳасидаги етакчи тажрибаси Сурабая учун ўрнатилган бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, маданий, таълим ва иқтисодий соҳаларда ҳам ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Сурабая Индонезиянинг Жакартадан кейинги энг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, халқаро миқёсда ҳам танилган. У Индонезиядаги энг тоза шаҳарлар қаторида иккинчи ўринда туриши билан ажралиб туради. Аммо шаҳар маъмурияти фақатгина тозаланиш бошқариш ёки қайта кўкаламзорлаштириш масалаларига эмас, балки атроф-муҳитни бошқариш, транспорт тизимини модернизация қилиш каби соҳаларга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда.

Сурабая шаҳридаги экологик муаммолар унинг Китакусю билан ҳамкорликка киришишига асосий туртки бўлди. Индонезияда Жакартадан сўнг аҳоли сони бўйича иккинчи ўринда турадиган Сурабая шаҳри қаттиқ чиқинди муаммосига дуч келмоқда. Хусусан, 2003 йилда шаҳарда яшил майдонлар етишмаслиги ва чиқиндиларни самарали бошқаришнинг йўқлиги туфайли ёмғир мавсумида шаҳарнинг ярмигача сув тошқинларидан жабр кўрган[6].

Сўнгги йилларда Сурабаяда чиқиндилар миқдори кунлик 2 913,18 тоннагача етиб, экологик муаммонинг жиддийлигини кўрсатмоқда. Бу ҳолатни ҳал этиш учун шошилинч ва барқарор чоралар кўриш зарур. Ана шу нуқтада, Сурабая шаҳар ҳокимиятининг экологик масалалардаги етакчи шаҳарлардан бири бўлган Китакусю билан парадипломатик ҳамкорликка киришиш қарорини қабул қилиши стратегик ва ўз вақтидаги қадам бўлди. Бу ҳамкорлик нафақат маҳаллий экологик муаммоларни бартараф этиш, балки Индонезиянинг кенг қамровли барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам ҳисса

кўшади. Мазкур муаммоларни самарали ҳал қилиш мақсадида, Сурабая шаҳри Япониянинг Китакусю шаҳри билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Китакусю – экологик қайта тикланиш ва “яшил технологиялар”дан фойдаланиш соҳасида дунёдаги илғор тажрибага эга шаҳарлардан бири бўлиб, мазкур ҳамкорлик орқали Сурабая ўзининг экологик сиёсатини кучайтириш, тозалик ва барқарор ривожланиш сари қадам ташлашни мақсад қилган.

Китакусю шаҳри ўзига хос равишда саноат маркази бўлиб, у ерда жойлашган кўплаб завод ва фабрикалар фаолияти натижасида атроф-муҳитга зарар етказувчи чиқиндилар ва зарarli газлар тарқалиши кузатилган. Ушбу вазият шаҳар муҳитининг кескин таназзулга учрашига олиб келган.

Бироқ Китакусю шаҳри бу экологик инқироздан чиқиб, барқарор шаҳар ривожланишининг намунавий моделига айланишга муваффақ бўлди. Бунга эришишда шаҳар маъмурияти муҳим қадамлар ташлади – экологияни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш, ҳаво ва сув сифатини ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. 40 йил давомидаги ислохотлар натижасида Китакусю бугунги кунда тоза ҳаво, мусаффо осмон ва ифлосланмаган муҳити билан машҳур шаҳарлардан бирига айланди. Ушбу ютуқларга яшил технологиялардан самарали фойдаланиш, экологик инфратузилмани ривожлантириш, маҳаллий ҳокимият ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик орқали эришилди[7]

Шаҳарнинг “мусбат ўзгариши”да аҳолининг фаол иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этди. Фуқаролар ҳукумат томонидан қабул қилинган экологик сиёсатларга риоя қилиб, уларни қўллаб-қувватлади.

Китакусюнинг бу тажрибаси атроф-муҳитни сақлаш ва барқарор шаҳарсозлик йўлида бошқа шаҳарлар учун ўрнатилган бўла оладиган муваффақиятли парадигмадир. Айниқса, Сурабая каби шаҳарлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ташаббуслар орқали мазкур тажрибани кенгроқ жорий этиш имкони мавжуд.

Халқаро ёки минтақавий ҳамкорликларда хусусан, Сурабая ва Китакусю ўртасидаги ҳолда ҳар бир томон ўз манфаатларини кўзлайди. Сурабая учун асосий манфаат Китакусю шаҳрида чиқиндиларни қандай бошқариш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш тажрибасини ўрганишдан иборат. Китакусю эса ушбу ҳамкорлик орқали Кам углеродли жамият маркази сифатида Осиёда етакчи мавқе эгаллашни мақсад қилган[8]

Икки шаҳар ўртасидаги ҳамкорлик 2012 йил ноябрида расман бошланган бўлиб, Сурабая ва Китакусю шаҳар ҳокимлари томонидан “Сурабая – Китакусю яшил биродар

шаҳарлари” ташаббуси доирасида келишув имзоланган. Ушбу келишув орқали икки шаҳар ўртасида мақсадли ва тизимли парадипломатик ҳамкорлик шаклланди[9].

Мазкур ҳамкорлик нафақат Сурабая шаҳри учун, балки бутун Индонезия учун ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу парадипломатик муносабатлар мисоли шундан далолат берадики, маҳаллий даражадаги акторлар ҳам миллий ва минтақавий экологик сиёсатга самарали ҳисса қўша олади.

Шунингдек, Сурабая ва Китакусю шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик олдин таъкидланган парадипломатия фаолиятининг яққол намунаси сифатида кўрилиши мумкин. Маҳаллий ҳокимият органларининг халқаро форумларда фаол иштирок этиши, ҳокимиятни бошқариш ва мулкдорлик тушунчасидаги муҳим ўзгаришларни англади. Глобаллашув шароитида давлатлар ўз фуқаролари ва мамлакат манфаати учун имкониятларни кенгайтириш мақсадида ҳокимиятни бошқа халқаро акторлар, жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар билан баҳам кўришга тўғри келмоқда[10]. Сурабая ва Китакусю ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли ва стратегик муносабат бўлиб, икки шаҳар ҳам тоза ва яшил шаҳар концепциясини амалга оширишга интилоқда.

Сурабая ва Китакусю шаҳарлари тўртта яшил биродар шаҳар лойиҳаларида ҳамкорлик қилган бўлиб, уларнинг асосий мақсади Сурабаяни яшил шаҳарга айлантириш ва шаҳардаги чиқиндилар миқдорини камайтиришдан иборат. Бу ҳамкорлик биродар шаҳар концепцияси орқали амалга оширилган бўлиб, у нафақат маҳаллий ҳокимият ва шаҳар маъмурияти, балки жамиятнинг барча қатламларини-фуқаролик жамияти, бизнес ва таълим соҳаларини ҳам қамраб олади. Биродар шаҳар моделида маҳаллий ҳокимиятлар фақатгина муносабатлар ташкилотчиси эмас, балки икки шаҳар фуқаролари ўртасида мустақкам боғловчи кўприк вазифасини ҳам бажаради[11]. Бу ҳамкорлик натижасида эришилган ютуқлардан бири – “Ёшил бино” мукофотини ташкил этиш ва Суторежо интеграциялашган чиқинди полигонини барпо этишдир. Ушбу лойиҳа Сурабая ва Китакусю шаҳарлари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яққол намунасидир.

Аввал айтилганидек, Индонезия дунёдаги энг тоза мамлакатлар рўйхатида юқори ўринни эгалламайди. Бу ҳолат мамлакатдаги кўплаб минтақалар, жумладан, Сурабая каби йирик шаҳарлар ва кичик шаҳарлар ҳам ҳанузгача жиддий чиқинди муаммоларига дуч келаётганини кўрсатади.

Сурабая шаҳар ҳокимиятининг ташаббуси Ўзбекистон шаҳар ва ҳудудлари, жумладан Тошкент, Самарқанд ва бошқалар учун ўрнак бўла олади. Улар ҳам чиқинди муаммоларини ҳал этиш борасида самарали тажрибага эга бўлган шаҳарлар билан

“биродар шаҳар” (Sister City) шаклида ҳамкорлик ўрнатиш орқали ўз имкониятларини кенгайтиришлари мумкин.

Бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш учун эса маҳаллий ҳокимиятлар марказий ҳукумат томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишлари лозим. Бу халқаро ҳамкорликнинг миллий сиёсат мақсадлари билан уйғунлашган ҳолда олиб борилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни бекиёс бўлиб, бу жараёнда “Ақлли шаҳар” концепциясини татбиқ этиш зарурати ортиб бормоқда. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари асосида ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини юксалтириш, рақамли технологияларни жорий этиш ва замонавий инфратузилмани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Худудий ривожланиш соҳасида Ўзбекистон Кувайт билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Кувайт ўртасидаги таълим ва илмий-техникавий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, икки давлат “Ақлли шаҳар” лойиҳаларини жорий этиш борасида ҳам фаол ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу эса нафақат таълим ва фан соҳасида, балки инновация ва технологиялар йўналишида ҳам янги имкониятлар эшигини очади.

Кувайтда ақлли шаҳарлар яратиш бўйича бир нечта йирик лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, бу лойиҳалар, асосан, рақамли технологиялар ва яшил инфратузилмани бирлаштиришга қаратилган. Ақлли шаҳарлар кўпинча энергия самарадорлигини оширувчи тизимларга, қуёш панеллари ва энергия тежовчи қурилмаларга асосланади. Масалан, Кувайтда 2022 йилда ишга туширилган “Харир Сити” лойиҳаси энергия самарадорлиги ва экологик барқарорлик тамойилларига асосланган бўлиб, қуёш панеллари ва чиқиндини қайта ишлаш технологияларини ўз ичига олади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳам Кувайт тажрибасига асосланган ҳолда 2030 йилгача рақамли инфратузилмани тўлиқ модернизация қилиш режасини ишлаб чиқмоқда[12].

Ўзбекистоннинг “Ақлли шаҳар” лойиҳаси барқарор шаҳар бошқаруви йўлидаги катта қадамдир. Янги Тошкент лойиҳаси эса мамлакатда ақлли шаҳарларни ривожлантиришнинг асосий босқичларидан бири бўлади.

Янги Тошкент лойиҳаси – Ўзбекистоннинг энг йирик ва истикболли урбанизацион ташаббусларидан бири бўлиб, у нафақат шаҳар инфратузилмасини замонавийлаштириш, балки яшил ва экологик барқарор ҳудудлар яратиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш орқали йирик инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади.

Ушбу лойиҳа келажак авлодлар учун қулай, яшаш учун мўътадил ва замонавий шаҳар муҳитини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Янги Тошкентда яшил қурилиш концепциясини жорий этиш Ўзбекистоннинг иқлим барқарорлиги стратегиясининг муҳим таркибий қисмидир. Шаҳарни барқарор ривожлантиришда энергия самарадорлиги ва қайта тикланувчи манбалардан фойдаланиш устувор йўналиш ҳисобланади[13].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган “яшил ташаббуслар”



Самарқанд Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) Яшил шаҳарлар тизимига қўшилган Ўзбекистондаги биринчи шаҳар бўлди.

Йирик Самарқанд муниципалитетида истиқомат қилувчи қарийб 560 минг киши электроавтобуслар харид қилиниши ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЙТТБ) томонидан молиялаштирилган электрон автобус депоси қурилиши эвазига экологик тоза жамоат транспортдан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. ЕТТБ бунинг учун ушбу шаҳарга 49 миллион доллар кредит беради. Маблағлар 100 тагача ўрта ўлчамдаги (10,5 метр) электр автобусларини, зарядлаш блоклари билан бир қаторда, зарур инфратузилмани, жумладан, электрон автобус депоси, электр нимстанцияси, маъмурий биноларни, эксплуатацион ва техник хизмат кўрсатиш иншоотлари учун сарфланиши кутилмоқда[14].

Экологик муаммоларни ҳал этишда давлат билан бир қаторда фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар жамоатчилик назоратини амалга ошириш, экологик қонунчилик ижросини кузатиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва давлат органлари билан мулоқот ўрнатишда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, аҳолини атроф-муҳит муҳофазасига жалб қилиш, экологик онг ва маданиятни шакллантириш орқали экологик маърифатни оширишга ҳисса қўшмоқда[15].

Ана шундай шароитда “Яшил шаҳарлар ташаббуси” лойиҳасининг “Биродар шаҳарлар альянси”[16] томонидан илгари сурилиши экологик муаммоларни бартараф этишда янги ва самарали ёндашув сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу ташаббус жаҳон шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга, умумий экологик мақсадлар йўлида бирлашишга қаратилган.

2025 йилнинг 18 июль куни Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитасида “Яшил шаҳарлар ташаббуси” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир “Биродар шаҳарлар альянси”, Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси, “Ўзбекистон-Бельгия” дўстлик жамияти ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда мазкур ташкилотларнинг раҳбар ва фаоллари, Дўстлик жамиятларидан вакиллар, вилоят ҳокимликларидан ишчи гуруҳ аъзолари, хориждаги ватандошлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси раиси К. Сариев экологик лойиҳаларни илгари суриш, яшил ҳудудлар сонини кўпайтириш, аҳоли орасида экологик маданиятни шакллантириш борасида миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш муҳим эканини қайд этди.

“Ўзбекистон-Бельгия” дўстлик жамияти раиси, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Борий Алиханов атроф-муҳит муаммолари ҳеч қандай чегара ва миллат танламаслигини, ушбу муаммоларни бартараф этишда халқаро ҳамкорлик, давлатлараро бирдамлик ва жамоатчиликнинг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

“Биродар шаҳарлар альянси” раиси З. Абидовнинг айтишича, бугунги атроф-муҳитнинг ифлосланиши шароитида экологик барқарорликни таъминлаш, яшил инфратузилмани кенгайтириш ва шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Тадбир доирасида эса ушбу мақсадларга эришишда ўзаро тажриба алмашиш, амалий ҳамкорлик ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда “Яшил шаҳарлар ташаббуси” ни амалга оширишда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ҳамда Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликда 2021 йилнинг март ойида “Тинчлик дарахти” акцияси[17] (“Tree of the Peace”) доирасида Тошкент шаҳридаги “Ғалаба” боғида дарахт кўчатлари ўтказиш маросими ташкил этилди[18].

Шунга ўхшаш лойиҳа Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази томонидан ташкил этилди. Ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аجدодларимиз

хотирасига чуқур эҳтиром кўрсатиш ва шарафлаш мақсадида Марказ томонидан Ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ходимлари, Ўзбекистон кўнгиллилар уюшмаси, Экологик ҳаракати фаоллари, ОТМ талабалари, ИИВ академияси курсантлари ва мактаб ўқувчилари билан биргаликда жорий йилнинг 18 апрель куни Тошкентнинг “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида «80 Хотира дарахти» экологик акциясини ташкил этилди[19].

Экологик акция иштирокчилари “Ғалаба боғи” ҳудудида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан тақдим этилган 80 туп манзарали кўчатларини экиш тадбирида қатнашдилар.

Марказ ҳар йили шундай ташаббусларни амалга ошириб, яшил ҳудудларни кенгайтиришга ҳисса қўшишда давом этмоқда. «80 Хотира дарахти» экологик акция орқали иштирокчиларнинг экологик билим ва маданиятини юксалтириш, уларнинг атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш борасидаги масъулиятини янада ошириш, маънавий қадриятларимиз асосида ёш авлод онгига табиатни озода тутиш ва асраш каби тушунчаларни сингдиришга эришилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида “яшил ҳудуд”лар кенгайтиришга ҳисса қўшилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, экология ва халқ дипломатияси атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги глобал ечимларга таъсир қилувчи иккита муҳим омилга айланиши зарур. Шундагина экология ва халқ дипломатиясининг биргаликдаги ўзаро таъсири глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнаши мумкин бўлади.

Хулова ва таклифлар. Парадипломатия орқали “Яшил шаҳар” концепциясини амалга ошириш бугунги кунда жаҳон амалиётида ўзини оқлаётган самарали механизмлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шаҳарлар ўртасидаги биродарлик алоқалари фақат маданий ёки иқтисодий соҳаларда эмас, балки экологик барқарорликни таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Сурабая – Китакюсю, Жакарта –Берлин ҳамкорликлари мисолида маҳаллий даражадаги ташаббуслар глобал экологик муаммоларга самарали ечим бўла олиши исботланди.

Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда қолмасдан, Янги Тошкент ва Самарқандда амалга оширилаётган “яшил шаҳарлар” ташаббуслари орқали экологик сиёсатини фаол олиб бормоқда. Бу лойиҳалар нафақат экологик муҳитни яхшилаш, балки халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таклиф ва тавсиялар:

- “Биродар шаҳарлар” ўртасидаги ҳамкорликка экологик йўналишдаги лойиҳаларни ҳам киритиш;

- Ҳар йили “Яшил шаҳарлар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, форумларни ўтказиш;

- ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали экологик турмуш тарзини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

- “Яшил шаҳар” мақомига даъвогарлик қилаётган ҳудудларда экологик кўрсаткичлар асосида мониторинг олиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://bappeda.bandacehkota.go.id/program-strategis/green-city/>
2. Бухорода яшил ҳудудлар майдони етарлими? <https://old.ekolog.uz/?p=2835>
3. Novera Luthfiani The role of Jakarta-Berlin sister city to support green city program in 2018-2023 SIYAR Journal e-ISSN 2747-233X Volume 5, Number 1, Januari 2025,63-87 <https://doi.org/10.15642/siyar.2025.5.1.63-87>
4. Husni, Z. (2013). Kerjasama Indonesia-Jepang melalui joint crediting mechanism dalam green sister city surabaya ±kitakyushu tahun 2013. 4(2), 14–27.
5. The Green City Development through Sister City Cooperation between Surabaya City, Indonesia and Kitakyushu City, Japan) (Pembangunan Kota Hijau Melalui Kerjasama Sister City Kota Surabaya, Indonesia dan Kota Kitakyushu, Jepang) Daeng Prasetyo Prawes, Department of International Relations, Class of K, Universitas Muhammadiyah Yogyakarta, Indonesia.
6. Widiana, F., & Utomo, A. B. (2021). Menuju Surabaya Green City Melalui Kerjasama Kota Kembar Surabaya-Kitakyushu. Transformasi Global, 8(1), 100–112. <https://doi.org/10.21776/ub.jtg.2021.008.01.7>
7. Bonieta Octavia, M. (2017). Kerjasama Green Sister City Surabaya Dan Kitakyushu (Studi Kasus Pengelolaan Sampah) Melalui Super Depo Suterejo. EJournal Ilmu Hubungan Internasional, 5(2), 691. [https://ejournal.hi.fisipunmul.ac.id/site/wpcontent/uploads/2017/08/Jurnal Monalisa PDF \(08-21-17-12-53-57\).pdf](https://ejournal.hi.fisipunmul.ac.id/site/wpcontent/uploads/2017/08/Jurnal Monalisa PDF (08-21-17-12-53-57).pdf)
8. The Green City Development through Sister City Cooperation between Surabaya City, Indonesia and Kitakyushu City, Japan) (Pembangunan Kota Hijau Melalui Kerjasama Sister City Kota Surabaya, Indonesia dan Kota Kitakyushu, Jepang) Daeng Prasetyo Prawes, Department of International Relations, Class of K, Universitas Muhammadiyah Yogyakarta, Indonesia
9. Widiana, F., & Utomo, A. B. (2021). Menuju Surabaya Green City Melalui Kerjasama Kota Kembar Surabaya-Kitakyushu. Transformasi Global, 8(1), 100–112. <https://doi.org/10.21776/ub.jtg.2021.008.01.7>

10. Mukti, T. A. (2020b). Politik Paradiplomasi Pemerintah Republik Indonesia. Jurnal Majelis Media Aspirasi Konstitusi, 06(September), 1-20.
11. Bonieta Octavia, M. (2017). Kerjasama Green Sister City Surabaya Dan Kitakyushu (Studi Kasus Pengelolaan Sampah) Melalui Super Depo Suterejo. EJournal Ilmu Hubungan Internasional, 5(2), 691.
[https://ejournal.hi.fisipunmul.ac.id/site/wpcontent/uploads/2017/08/Jurnal Monalisa PDF \(08-21-17-12-53-57\).pdf](https://ejournal.hi.fisipunmul.ac.id/site/wpcontent/uploads/2017/08/Jurnal Monalisa PDF (08-21-17-12-53-57).pdf)
12. “Ақлли шаҳар” концепцияси транспорт, экология ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилади // https://uza.uz/uz/posts/aqlli-shahar-konceptiyasi-transport-ekologiya-va-xavfsizlik-bilan-bogliq-muammolarni-hal-qiladi_689102?q=%2Fposts%2Faqlli-shahar-konceptiyasi-transport-ekologiya-va-xavfsizlik-bilan-bogliq-muammolarni-hal-qiladi_689102
13. Янги Тошкент: яшил шаҳар, яшил бинолар, барқарор келажак // https://uza.uz/uz/posts/yangi-toshkent-yashil-shahar-yashil-binolar-barqaror-kelazhak_718813
14. <https://www.qalampir.uz/news/samark-and-uzbekistondagi-ilk-yashil-sha%D2%B3arga-aylanadi-82707>
15. Яшил келажак учун биргаликда ҳаракат қилайлик! // <https://strategy.uz/index.php?news=2051&lang=uz>
16. “Биродар шаҳарлар альянси” 2025 йилнинг 7 май куни Ўзбекистон шаҳар ва ҳудудларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларига кўмаклашувчи нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ташкил этилган. Альянснинг вазифаси Ўзбекистон шаҳар ва ҳудудларининг биродарлик алоқаларини ўрнатиш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.
17. “Тинчлик дарахти” акцияси (словакча: Стром покожа, русча: Дерево мира, немисча: Der Friedensbaum) - Европа Иттифоқида Словакияда пайдо бўлган халқаро ва глобал лойиҳа. Биринчи жаҳон уруши тугаганининг 100 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқилган лойиҳага Ўзбекистондан бўлган словакиялик ландшафт архитектори Марек Собола ташаббус кўрсатган. Лойиҳанинг асосий мақсади 4 йил ичида (2018 - 2022) ҳар бир қитъада “Тинчлик дарахти”ни экиш орқали тинчлик хабарини тарғиб қилишдир; Биринчи жаҳон уруши 4 йил давом этгани сабабли, бу лойиҳа ҳам 4 йил давом этиши режалаштирилган.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг жорий архиви

19. “80 Хотира дараhti” экологик акцияси // <https://www.scocenter.uz/post-detail/730>